







СУРХОНДАРИЁ

ШАРОФАТЛИ КУНЛАРДАГИ САХОВАТ

Денов туманидаги «Ло-чин» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи Аҳмад Нарзуллаев вақти-вақти билан етим-есирни, муҳтож кишиларни йўқлаб ва сийлаб туради. Бу ишни у азбаройи ном қозониш учун эмас, балки савоб умидида қилади. Кутлуг Рамазон бошланган дастлабки кунларнинг бирида саховатли фермер 1-гурух ногирони Холмурод Одиловга махсус аравача ҳадя қилди. Шунингдек 50 нафар эҳтиёжманд кизишга қарийб 200 минг сўмлик совғалар улашди.

ТАРИХДАН ТАРИҚЧА

Шоирлар ҳамма вақт ҳам ўз ёнига ўзи қоврилиб ижод қилавермайди. Улар бир-бирларининг асарларини ўқиб, бир-биридан илҳомланиб, бири иккинчисининг шеърига «шерик» бўлиб ижод қилган ҳоллари ҳам кўп бўлади.

Масалан, кунларнинг бирида хоразмлик газалхон шоир Муҳаммадинез Нишотий (XVIII) «Хусн ва Дил» номи билан дoston тўқишига ўтиши қийин. Шунинг учун у аввал машҳур дostonнавислардан Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби ҳамсанавиб шоирларнинг дostonларини ўқиб, уларнинг бу соҳадаги меҳнатлари билан обдон танишиб, тажрибаларини ўлаштириб, сўнг ўз қўзлаган асарини ёзишга киришишни маъқул кўради ва бу дostonнинг кириш қисмида бу тўғрида бизга кенг маълум беради. Шоир бу устоз шоирларнинг «Хамса»ларини тўртта боғ («Чорбоғ»)га, ўзларини тўртта чирокқа қийсалаб дейди:

Тўрт китоб айлади, ул тўрт чор. Ваҳ на китоб! Оми деҳл чор боғ...

Шундан кейин Нишотий бу боғнинг аниқ манзарасини ҳам чизишга, тасвирлаб кўрсатишга ҳаракат қилган:

Аҳли назар кўргусидир бегумон, Тўрттоғнинг зимида саккиз жинон.(1) Гулларининг зийнати ҳаддин фузун.(2) Сарви саҳий анда адалдин фузун.

ЁЗИШ УЧУН ЎҚИШ..

Сарвиниким, ҳар шажари(3) хуш самар, Тўбийи ризвондек эди жилвагар. Ҳар «алифи» нахле(4) эди дилситон; «Хо»лар(5) ўшул боғ аро гунча нишон. «Жим»лари(6) сунбули пурчи(7) эди; Маъни анга бошдин оёқ чин эди... Сатрлари жўйи жинондур(8) яқин. Назм равон анда чу мольи манн(9)... «Мим»лари чашмасидур салсабил(10), Сатр ила хатдур анга дарёин Нил. Ҳар ариғи шаҳди назокат тўла; Чашмасида оби латофат тўла...

Шундай мазмундор ва фўзал қилиб ёзилган дostonларни ўқиб, Нишотий ҳам ўзининг «Хусн ва Дил» дostonини ёзишга киришган. Бунда айнақса Навоийнинг «Ҳайратул-абдор» дostonи уни ўзига мафтун этган.

Вақти келиб Нишотий шеър ёзишга ўлтирар экан, бунда ҳам у тоғо ўз қаламқаш устозларидан узоқлашмаган. Масалан, у Навоийнинг Ундан ортиқ фазалига мухаммас боғлагани кўрсатадики, шоир Навоийнинг фақат дostonларини эмас, шеърий девонларини ҳам иппидан игнаситача яхши ўрганган. Бу шеърлардаги Навоий байтларини услубан Нишотий мисралари билан қийсий таҳлил қилганда, уларни бир-бирдан фарқлаш қийин. Масалан, Навоийнинг бир ишқий газали қуйидаги матла билан бошланади:

Оташин оҳим била қуйди дилу жону жигар, Олғил, эй номехрибоним, ҳоли зоримдин хабар. Нишотий бу газални мухаммаста айлантирар экан, унинг матлан олдиға қола буйича ўзидан яна уч мисра қўшган. Нишотий:

Токи бўлдинг оташин рухсора бирла жилвагар, Ҳаргач ўтдуг оразинг, ёндим, кул ўлдум сар-басар. Сўлди савдойи жулун бошимға юз минг шўри шар.

Навоий:

Оташин оҳим била қуйди дилу жону жигар. Олғил, эй номехрибоним, ҳоли зоримдин хабар.

Бу ўринда Навоий мисралари билан Нишотий мисралари ўзaro мазмунан ҳам, шаклан ҳам шундай узвий боғланиб кетганки, гўё бу шеър бир шоирнинг шеърдай ўқилади. Бу - Шарқ мумтоз шеърятининг ўзига хос ажойиб ҳуеусиятларидан биридир. Ҳа, шеърят аввало шоирларни, қолаверса дунёдаги ҳамма одамларни, шеърят мухлисларини бир-бири билан яқинлаштирадиган ва бирлаштирадиган бир гўзал боғи беҳиштиш ҳамдир.

- 1. Жинон - жаннатлар; 2. Фузун - ортик; 3. Шажар - дарахт; 4. Нахл - кучак, мева дарахти кўчаги; 5. «Хо» - х харфининг арабий ифодаланиш шакли; 6. «Жим» - ж харфининг арабий ифодаланиш шакли; 7. Парчин - сержин, ажин босган; 8. Жўйи жинон - жаннат ариғи; 9. Мольи манн - равон оқалган сув; 10. Салсабил - жаннат чашмаси.

МАҲАЛЛАДАГИ ГАПЛАР

ДАРС

Кўтармалик Умар полвоннинг елкаси ер искамаган. Уми ўш, Новокт, Қорасув, Ўзган, Андижон тарафлардаги курашларда ўтган. Фарзандлари ҳам ота изидан боришиб, таниқли курашчилар бўлиб етишилган.

Полвон ҳусайни узумини яхши кўраркан. Маҳалла гузаридидаги чойхонада ўтириб, кўзига кўринган улфатига «бор, узумдан узиб чиқ», дея буйруқ беравераркан.



Маҳаллада Парпивоий ака деган соҳибкор одамнинг тоқзори бор эди. Кунларнинг бирида чойхона ёнидан ўтиб кетаётган экан, Умар полвон гап қотибди: - Ху, Парпивоий, узум пишдими?

Парпивоий йулидан тўхтабди-ю, бироқ полвоннинг ҳузурига ошқимабди.

Парпивоийнинг тоқзори Шахрихонсой бўида бўлгани учун сой шабодасида олтин мисол төвланиб пишган экан. Меабон меҳмонни тоқзор оралаб роса айлантирибди. «Мана бу «Хусайни», буниси «Келинчак бармоқ», анависи «Чарос», сал наридаги майдағони қора кишиши. Майизи роса тушади. Ҳавасга «Каттакўргон»дан экиб қуйдим. Келаси йили у ҳам ҳосилга кирди. Аммо, ба-

Болгарияда Габрово қишлоғи бор. Уни бутун дунё билади. Андижон вилоятининг Хўжаобод туманидаги Кўтарма қишлоғини эса ҳаммаям билавермайди. Бугунги ҳикоялар ана шу қишлоқ ва ҳамқишлоқларим ҳақида.

лаҳат сўраб, маҳалланинг имоми Фозилжон қори уйига борди. - Қори ака, менга иморатни «гапиртириб» юборадиган уста керак. Кўтармада шунанча одам борми? - Фозилжон қори ўзи номи чиққан иморатсоз эди. Янги ҳамқишлоқнинг ташрифи, гаплари унга галати туюлди.

- Жуда мавридида келибсиз, - деди у қалин, қуюқ қошларини чимириб, шунақа қўли гул дурадгор бор. Уч кўчага етмай Турсун етимини сўраган, ҳамма айтиб беради.

Жуман ака миннатдорчилик билдириб, кетибди. Бироқ, ордан кўп ўтмай яна изига қайтибди.

- Қори ака, Турсун етимингиз устамасман, леда-ку? Фозилжон Қори пинағина бузамай сўрабди.

- Ҳўш, ким экан? - У... гўрков экан.

Қори сир бой бермай тушунтирибди: - Тўғри, Турсун етим - гўрков. Аммо, менга қолса, у энг зўр иморатсоз. Чунки, уста қурган иморат нари борса юз йилга бораар, аммо, уники абадий. Билиб олинг, бу дунёда энг катта бинкор - гўрков, энг яхши чевар кафан бичувчидир.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ.



Бир дунё қувонч

Самарқанд

«Оилам» оила ҳимоячисиси

Сарлавҳани ўқиб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Энди оила ажрашмайдиган бўлгани рост. Бунга сабаб эса, Самарқанд шаҳрида ташкил этилган «Оилам» клубидир.

маслаҳатлар бериб боради. Клубда оилаларнинг никоҳдаги муаммо ва мосланиш, аёлларнинг ҳуқуқий саводсизлигини тугатиш, уйда бизнес қилиш, ёки оиланинг ички ва ташқи захираларидан унумли фойдаланиш, оиладаги ўмирларни алкоғолизм ва гиёҳвандликдан сақлаш учун тушунтириш ишлари олиб бориш, аяна ва урф-одатларда оилани фойдасиз харажатлардан ҳимоя қилиш кабилар ҳақида гап боради. Семинар ва суҳбатларнинг мазмунини шундай тузилганки, иштирокчилар ўзининг кундалик ҳаётларида, оилада ва жамиятда ўзаро шахсий муносабатлар қондаларини қўлайдилар. 2000 йил 16 ноябрь куни клуб аъзолари клуб фаолиятининг натижалари билан Самарқанд шаҳри Зиёлилари, Давлат ва нодавлат, нотижорат ташкилотлари вакиллари таништириш мақсадида Зиёлилар саройида катта давра суҳбати ўтказди. Иштирокчилар томонидан фикр алмашишлар, қизиқарли ва фойдалани тақлифлар билдирилди. Ушбу тақлифлар клуб аъзоларининг келгусидаги иш режаларида киритилишига қарор қилинди.

Жамила ЭШОНКУЛОВА, «МАНАЛЛА» муҳбири.

ДАРДАН ЙИРОҚ БЎЛИНГ «ҚОРА ОҚСОҚ» ЮҚУМЛИ

Касалликнинг асосий манбаи бўлиб, касал хайвонлар ҳисобланади. «Қора оқсоқ» билан хасталанган хайвонлар бир неча ойгача ташқи муҳитга сути, сийлиги ва нажаси билан кўп миқдорда касаллик қўзғатуричи микроорганизмни ажратди.

«Қора оқсоқ» билан хасталанган хайвонлар била тишлайди. Хайвонлар тушидан боқса, йўлдан ва қондоқ суви билан ҳам касаллик қўзғатуричларини ажратди ва шу билан апроф-муҳитни, туғроғни, ел-шахсан ҳамда сувиан ифловлатиради. «Қора оқсоқ» касаллиги оғирла турди йўллар билан юрши мумкин.

«Қора оқсоқ» билан хасталанган хайвондан соғиб олинган сутини қайнатилган ичкисига, уздан олинган хайвонни ҳамда касалланган хайвоннинг жигар ва гўштидан яқин пиширилмайдиган таёқлардан махсусловларни (сабоб, хом қўймави) истеъмол қилганда, ифловланган суви ичкисига, касал хайвонларни боқиб жараёнида, гўштин ичкисига, жун ва териданги ишлов беришда, ҳаво оқриди, тери ва ишлал қаватларга (кўз, бўрун, оғиз) ифловланган қўл текашида юрши мумкин.

Касаллик қўзғатуричлари турли йўллар билан инсон организмга тушган бўлиши, касалликнинг дастлабки аломатлари 14-ки кундан 3 ойгача бўлиш даврида намоён бўлиши мумкин.

Бу вақт касалликнинг яширин дари деб аталади. Касаллик ҳазиланиши, бошда, кўзи ва оёқ бўлимида оғриқ пайдо бўлиши билан, илтим ҳайвонларга эса касаллик ўлар бошланади.

Касалликнинг бу тур 2-3 ойга қийинлаш мумкин, агар бемор ўз вақ-

СКАНВОРД plus

Сотувчи сомсапазга. - Ака, сомсангиз нега совиб қолган. - Ажабланманг, алмаштириб беришимиз мумкин. - Ахир мен уни тишлаб қўйдим. - Ҳеҳқисин йўқ, у ҳам тишланган.

Grid for crossword puzzle with words like СОЗ, Автомобиль, Елғиз, Нота, Ч, etc.

Ш. ЮСУПОВ, Тошкент шаҳар ДСЭНМИ овқатлиши гигиенаси бўлими мудири, У. ЭҒАШЕВ, Мирзо Улуғбек тумани ДСЭНМИ санитария бўлими мудири.

КҲҲ (21.03 - 21.04). Ҳафта бошида бироз толиқш ҳис қилган бўлсангиз чоршанбадан бошлаб вазиет ижобий томонга ўзгаради. Жума кунини молиявий қувватингиз ошадди. Шанба кунини кўнгилчанг учрашувлардан қувонсангиз.

БУЗОҚ (22.04-20.05). Ҳафтанинг биринчи ярмида кўнгилди харидлар қилган бўлсангиз керак. Чоршанбада чўнтагингизга пул тушиши мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярми ҳам ёмон бўлмайди.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06). Ҳафта ўртача келадди. Кўпроқ амалий учрашувлар ўтказиш мумкин. Шунинг учун уйда дам олинг, муҳим ишларга қўл урманг.

ҚИСКЇЧБАҚА (22.06-21.07). Чоршанба кунини қизгин меҳнат жаҳасида бўласиз. Пайшанбада соғлигингиз ҳуеусида ўйлаб кўринг. Дам олиш кунларида ажойиб романтик учрашувлар кутмоқда.

АРСЛОН (23.07-22.08). Ҳафта сиз учун омадлик келадди. Кайфиятингиз ҳафта мобайнида кўтаринчи бўлади. Пайшанба ва жума кунлари яқин хабарлар тинглайсиз. Дам олиш кунларида кўнгилдаги хордиқ чиқарасиз.

ПАРИЗОД (23.08-22.09). Чоршанбада кайфиятингиз бироз пастроқ бўлади. Пайшанбада мумайизина даромад топасиз. Шанба кунини жанжалли вазиетларга тушиб қолшдан эҳтиёт бўлинг. Яқинда инсоннинг даврасида ўтказинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10). Ҳафта сиз учун омадлик келадди. Пайшанбада яқин харидлар қиласиз. Жумлада чўнтагингизга пул тушади. Ҳафтанида асабларингизни толиқтирманг.

ЧАЁН (23.10-22.11). Ҳафта сиз учун ёмон келмайди. Пайшанбада соғлигингиз ҳуеусида бош қотиришга тўғри келадди. Дам олиш кунлари ишқий учрашувлардан масрур бўлсангиз но ажаб.

ЎҚОТАР (23.11-21.12). Ҳафта сиз учун хайрон келадди. Рухиятингиз тетик, соғлигингиз жойида бўлади. Шанба кунини романтик учрашувлар бўлиши кутилади. Ҳафта ўрталарида дам олиш имконияти туғилади. Дам олиш кунларида яқин хабарлар эшитасиз.

МАНАЛЛА га обуна бўлиш учун ҳеч қачон ҳали эрта ёки кеч деб ўйланманг.

МАНАЛЛА таҳрир хайлати: Шуҳрат ЖАЛИЛОВ, Иброҳим РАҲИМ, Расул РАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ. Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БҮРИЕВ. Нашрият: Олим БЕГАЛИЕВ. Саҳифаловчилар: А. ЮЛДАШЕВ, С. ХОНКЕДИЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни басмаҳонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41. Буюртма Г-1037. Топширилди—20.30.